# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 1 (1076), 2017 йил 5 январь


## Банклар тўқимачилик саноатини ривожлантиришга кўмаклашади

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги «2017 – 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2687-сонли Қарорига мувофиқ, яқин уч йилда пахта ва ипак толасини чуқур қайта ишлаш ва экспортга йўналтирилган тўқимачилик ва юқори қўшимча қийматли тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи 132 та лойиҳани амалга ошириш мақсад қилинган.**

Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан 2,2 млрд. доллар йўналтирилиши белгиланди.

Дастурга мувофиқ очилган кредит линиялари доирасида тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

– тижорат банклари устав капиталига, шу жумладан, шўъба инвестиция компаниялари орқали ёки модернизация қилинаётган ёхуд янгидан ташкил этилаётган корхоналарга қайта молиялаштириш 75 фоизини ташкил қилади;

– кредит линиялари хорижий валютада берилади, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни тўлаш ҳам қайта молиялаштирувчи тижорат банклари ва қарз олган ташкилотлар томонидан ана шу валютада амалга оширилади.

Ушбу дастур доирасида кредит берувчи тижорат банкларига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича:

– берилган кредитлар бўйича инвестиция даврида ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш;

– бир тармоқ корхоналарига бериладиган кредит-



УзА фотосурати

рилаётган кредитлар бериш орқали лойиҳаларни молиялаштирадилар;

– қайта молиялаштириш шартларида лойиҳани амалга оширишда тижорат банкининг иштироки лойиҳа қийматининг кўпи билан ларнинг максимал улуши бўйича ўрнатилган чекловларни ва бошқа корхоналарнинг устав капиталида тижорат банкларининг иштироки бўйича чекловларни қўлламаслик;

*(Давоми 2-бетда).*

● *2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили*

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР РИВОЖИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ




ЎзА фотосурати

**Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда барқарор ривожланиш суръатларига гувоҳ бўласиз. Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида намоён бўлаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасида эришилаётган натижалар, инвестициявий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг таркиби диверсификацияланиши ва экспорт салоҳияти юксалиши алоҳида таҳсинга лойиқ. Зеро, саноатни ривожлантириш, ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўрни ниҳоятда катта.**

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган «ўзбек модели» тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос бўлган энг тўғри ҳамда самарали йўли эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб турибди.

Бунинг амалий исботини эса иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд, товар ва хизматлар экспорти 18 баробар кўпайгани, пировардида юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти таъминлангани, шаҳар ҳамда қишлоқларимиз тобора гўзал қиёфа касб этаётгани, ҳар йили кўплаб замонавий корхона ва заводлар ишга туширилиб, уларда жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бундай туб ўзгаришлар имкон қадар четдан қарз жалб қилмасдан, ички имкониятлар ҳисобига амалга оширилаётгани хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

*(Давоми 4-бетда).*

## «Алоқабанк»нинг корпоратив бошқарув тузилмаси баҳоланди

**«Deloitte&Touche» халқаро аудиторлик ташкилоти Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» корпоратив бошқарув тузилмаси ва амалиётининг Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда Базель қўмитасининг корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқлигини баҳолади.**

Баҳолаш натижаларига кўра, АТ «Алоқабанк»нинг корпоратив бошқарув тизими Базель қўмитасининг тамойиллари ва корпоратив бошқарув бўйича миллий стандартларга қисман мувофиқлиги аниқланди.

Шу билан бирга, халқаро аудиторлар таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, банкда корпоратив бошқарув тизимини янада мукаммаллаштириш бўйича ўз таклифларини берди.

**Назира МАВЛОНОВА.**

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 4 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2341,27 | 1 Канада доллари | 2415,82 | 1 Норвегия кронаси | 375,29 | 1 евро | 3404,13 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3983,76 | 1 Хитой юани | 465,83 | 1 Польша злотийси | 770,26 | 10 Жанубий Корея вони | 26,90 |
| 1 Дания кронаси | 456,90 | 1 Қувайт динори | 10598,07 | 1 Сингапур доллари | 2238,54 | 10 Япония иенаси | 276,09 |
| 1 БАА дирҳами | 882,08 | 1 Россия рубли | 53,41 | 1 СДР | 4355,12 | | |
| 1 АҚШ доллари | 3239,62 | 1 Украина гривнаси | 119,14 | 1 Туркия лираси | 916,26 | | |
| 1 Миср фунти | 179,98 | 100 Ливан фунти | 215,23 | 1 Швеция кронаси | 355,85 | | |
| 1 Исландия кронаси | 28,57 | 1 Малайзия ринггити | 721,52 | 1 Швейцария франки | 3173,30 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 3239,62 – (3231,48) | 1 EUR ▼ 3404,13 – (3419,23) | 1 GBP ▲ 3983,76 – (3969,23) | 10 JPY ▲ 276,09 – (275,77)

# Банклар тўқимачилик саноатини ривожлантиришга кўмаклашади

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

– тижорат банкининг улушлари тўлиқ 100 фоизгача миқдорда бўлган, шу жумладан, инвестиция компанияларининг маблағлари ҳисобига шўъба корхоналарини, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун бошқа инвесторлар иштирокидаги корхоналарни бунёд этиш;

– корхоналарнинг хорижий валютада шакллантирилган устав капиталидаги улушларини бозор қийматида (барча харажатлар ва инвестициялар суммасидан кам бўлмаган миқдорда) хорижий валютага сотиш ҳуқуқи берилди.

Амалга ошириладиган чоралар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантириш билан бирга пахта толаси ва ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш йўли билан рақобатбардошли, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтиради. Келгусида иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни давом эттиришга имкон яратади.

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.***

# «Туронбанк»дан «OVERDRAFT» кредити

**Мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, банк фаолиятини ривожлантириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва аҳолига банк хизматларини янада яқинлаштириш мақсадида «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банкида қатор амалий чоралар кўрилмоқда.**



TURON BANK

Хусусан, «Туронбанк» АТБ томонидан инновацион технологияларни қўллаган ҳолда, янги банк хизматларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга банк тизимида жорий этилган «Internet-Banking», «SMS-Banking» ва «Turon-Mobile» масофадан хизмат кўрсатишнинг янги модификациялашган тизимлари ҳамда аҳоли омонатлари дахлсизлигини таъминловчи биометрик идентификациялаш тизими жорий этилгани ёрқин мисолдир.

Шунингдек, «Туронбанк» АТБда пластик карта эгаларига янада қулайлик яратиш мақсадида кредитлашнинг янги тури – «OVERDRAFT» хизмати жорий этилган бўлиб, бу орқали «банк мижоз учун» тамойили асосида банклараро эркин рақобатнинг такомиллашувига кенг йўл очиш мақсад қилинган.

Ушбу янги кредит тури банк корпоратив мижозларининг ишчи-ходимлари ҳамда «Туронбанк»да пластик карточка очган пенсионерлар учун мўлжалланган бўлиб, пластик карта эгаларига бир қатор қулайликлар яратади.

Мазкур карта эгалари бўлган корпоратив мижозларимиз ишчи-ходимларига «OVERDRAFT» кредити уларнинг ўртача ойлик маошининг 5 бараваригача бўлган миқдорда 1 йил муддатга ажратилади, пенсионерлар учун эса 2 хил – «Узоқ умр» ва «Мадад» кредит турлари ишлаб чиқилган.

«Мадад» лойиҳаси бўйича қарз олувчига бир ойлик пенсия миқдорининг 50 фоизигача миқдорда кредит берилади. Ушбу кредитни олиш учун пенсионерлар томонидан банкка таъминот тақдим қилиш талаб қилинмайди.

«Узоқ умр» кредити эса пенсионерларнинг 5 ойлик нафақа тўловлари миқдорида 1 йил муддатга берилади.

*– «OVERDRAFT» кредитининг қулайлик томони шундаки, банк пластик карта эгалари ўз ойлик маоши ёки пенсияларидан ташқари маблағга зарурат туғилганда, ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда, ўз эҳтиёжларини бемалол қондиришлари мумкин, – дейди* ***«Туронбанк» АТБнинг Кредитлаш департаменти директори Анвар Саттаров.*** *– Эътиборлиси, кредит очиқ линия кўринишида ажратилиб, мижоз кредитнинг фақат фойдаланган қисми учун фоиз тўлайди.*

***Банк матбуот хизмати.***

***Хизматлар лицензияланган.***

Реклама ўрнида

# БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

## «ИПАК ЙЎЛИ» АИТБ

**«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки «Ўзбекистонда «UnionPay» пластик карталарининг йирик эмитенти» деган номга мушарраф бўлди.**



2016 йилнинг 22 декабрида Олмота шаҳрида (Қозоғистон) «UnionPay» халқаро тўлов тизимига аъзо банклар вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

«UnionPay International»нинг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича филиали томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда 2016 йилда мазкур турдаги карталар муомаласи ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатиш сарҳисоб қилинди.

Унда «Ипак йўли» АИТБ ушбу натижаларга кўра, «Ўзбекистонда «UnionPay» пластик карталарининг йирик эмитенти» дея эътироф этилди.

## «АГРОБАНК» АТБ

**«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки ўз мижозларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли шартномалар маълумотларини Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритиш масалалари бўйича бепул маълумот тақдим этиш хизматини жорий қилди.**

Маълумки, ташқи савдо соҳасида бюрократик тўсқинликларни қисқартириш ҳамда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида Биринчи Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4609-сонли Фармонига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик фаолияти субъектларига ташқи савдо контрактлари бўйича маълумотларни электрон шаклда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ) киритиш имконияти яратилди, шу билан бирга, ташқи савдо шартномаларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш тартиботи бекор қилинди. Ташқи савдо контрактлари юзасидан мониторинг валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланди.

«Агробанк»да мижозлар томонидан вужудга келадиган саволлар, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш учун банкнинг Бош офисида ягона ишонч телефони ташкил этилди.

Ушбу хизматдан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари (жисмоний ҳамда юридик шахслар) фойдаланишлари мумкин.

## «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ

**«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки миллий ва хорижий валюталардаги депозитларининг узоқ муддатли рейтингларини «B3» даражадан «B2» даражага оширди.**

Шу билан бирга, агентлик банкнинг молиявий барқарорлик рейтинги («B3» даражадан «B2» даражага) ҳамда унинг узоқ муддатли контрагенти таваккалчиликлари баҳоланишини ҳам («B2» даражадан «B1» даражага) бир поғонага кўтариб, миллий ва хорижий валюталардаги депозитларининг қисқа муддатли рейтингларини «NP» даражасида тасдиқлади. Барча узоқ муддатли депозитлар бўйича прогноз «Барқарор», дея қайд этилди.

«Asia Alliance Bank» АТБ рейтингларининг барқарор прогноз билан оширилишини банк таваккалчиликлар бўйича кўрсаткичларининг яхшиланганлиги билан боғланмоқда. Айтиш жоиз, кейинги йилларда банкнинг бизнесни диверсификациялаши кучайтирилди, филиаллар тармоғи кенгайтирилди ва бунинг самарасида кредит таваккалчилигига мойиллиги пасайиб, молиявий кўрсаткичларининг барқарорлиги сақланди.

Муассаса капитали етарлилигини таъминлаш ишларини изчил давом эттирмоқда. 2016 йилнинг 30 сентябрь ҳолатига кўра, унинг I даражали капитали 2015 йил якунидаги 20,76 фоиздан 23,4 фоизга кўтарилди.

«Asia Alliance Bank»нинг 2016 йилнинг 9 ойи мобайнидаги соф фойдаси 29 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 3,6 фоиз (2015 йилда 3,9 фоиз, 2014 йилда 4,5 фоиз) миқдорида ўртача активлар рентабеллигини кўрсатади. Банкнинг 2015-2016 йиллардаги молиявий натижалари катта даромадлар оқими ва паст фондлаш қиймати билан боғлиқ соф фоизли даромаднинг сезиларли оширилиши билан таъминланди.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 21 декабрь куни 2155-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 438-модда) билан тасдиқланган Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 26 ноябрь,*
*38/1-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2016 йил 26 ноябрдаги*
*38/1-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартибини белгилайди.».

2. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ташқи савдо контрактлари бўйича маълумотларни киритиш, киритилган маълумотларни кўриш ва чоп этиш.».

3. 3-банддан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 6-7-сон, 33-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 8-банд «солиқ органлари» деган сўзлардан кейин «, суд ижрочилари ва ундирувчилар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Тизимда мижоз томонидан миллий валютадаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.».

6. Қуйидаги мазмундаги $14^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$14^1$. Халқаро тўловларни амалга оширишда чет эл валютасидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари қуйидаги реквизитлардан иборат бўлади:

тўловнинг тури;

ҳужжатнинг санаси;

маблағларни тўловчининг тўлиқ номи ва почта манзили;

маблағларни тўловчининг ҳисобварағи;

тўлов суммаси;

тўлов мақсади;

тўловни амалга ошириш билан боғлиқ банк комиссион харажатлари;

маблағларни тўловчи банкининг номи;

маблағларни тўловчи банкининг почта манзили (мамлакат, шаҳар);



маблағларни тўловчи банкининг махсус коди;

маблағларни олувчи банкининг номи;

маблағларни олувчи банкининг почта манзили (мамлакат, шаҳар);

маблағларни олувчи банкининг махсус коди;

маблағларни олувчи банкининг маблағларни тўловчи банкидаги ҳисобварағи;

маблағларни олувчининг тўлиқ номи ва почта манзили;

маблағларни олувчининг ҳисобварағи;

маблағларни тўловчининг маблағларни олувчига хабари.».

7. 22-банддан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 623-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 21 декабрь куни 2788-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 23 апрелдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 2788, 2016 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 227-модда) билан тасдиқланган Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Тошкент ш.,*
*2016 йил 10 декабрь,*
*39/1-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2016 йил 10 декабрдаги*
*39/1-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 23-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензияловчи органнинг лицензиат фаолиятида аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича кўрсатмалари лицензиат томонидан бажарилмаганда.».

2. 26-бандда учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи – еттинчи хатбошилари тегишлича учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Илова 2-бандининг учинчи хатбошисидаги «ахборотни ташкил қилиш» деган сўзлар «ахборотни шакллантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР РИВОЖИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда жалб этилган хорижий кредитлар устувор равишда инвестициявий мақсадларга, ижтимоий инфратузилма ҳамда янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Айнан шундай тамойиллар асосида маблағ ҳамда захиралар иқтисодиётимизни таркибий ўзгартиришларга, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлайдиган, илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиш, ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиришга жалб қилинди. Пировардида, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 18,5 фоизини ташкил этиб, унинг 9 фоизи давлат қарзи, 9,5 фоизи эса хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Ташқи кредитларнинг 85 фоизидан ортиғи эса устувор инвестициявий лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида 15 йилдан узоқ муддатга, паст фоизли ставкалар ҳисобидан 10 йиллик имтиёзли муддатга жалб этилган.

Амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда халқимиз хонадонларидаги маиший техника воситаларидан тортиб, дастурхонларидаги ноз-неъматларгача, кўчаларимизни тўлдириб юрган автомобиллардан тортиб, қишлоқ хўжалиги машина-механизмларигача барча-барчаси ўзимизда, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида ишлаб чиқарилаётганлиги барчамизда ғурур ҳисини уйғотмоқда.

Республикамизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал тараққий этмоқда. Биргина ўтган йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, республикамиз ялпи ички маҳсулотида соҳа вакилларининг улуши 54,6 фоизни ташкил қилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу давр давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 12,6 трлн. сўмлик кредитлар ажратилгани, пировардида 23,6 мингдан зиёд янги қувватлар ишга туширилгани туфайли улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлиги ошиб бораётир. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёз – имкониятлар ишбилармонларимизни янги марралар сари чорламоқда.

Истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб иқтисодий тараққиётнинг муҳим пойдевори сифатида хусусий мулкчилик шакллари тадбиркорликни ривожлантиришга юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий қилинди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, мингдан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.





ЎзА фотосурати



ЎзА фотосурати

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР МАСАЛА

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосий устувор масалалардан бири сифатида белгиланди. Бу вазифани бажариш жараёнида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятида дуч келадиган турли тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда, 1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, 1993 йил 7 майда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари қабул қилинди.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш ва давлат, хўжалик ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг қулай тадбиркорлик муҳити яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурнинг асосий вазифалари ҳамда йўналишларини босқичма-босқич ижро этиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил қилиш, соҳага кредит ресурсларини ажратиш ва хорижий сармояларни киритиш учун мақбул шароит яратиш мақсадида 1996 йил 9 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори, 1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

Ўз навбатида, мамлакатимизда 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, мазкур дастур доирасида ҳудудларда бизнесни амалга ошириш учун қулай муҳит яратилиб, бюрократик тўсиқларнинг сезиларли даражада бартараф этилишига эришилди, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, бу борада ишончли кафолатлар тизими вужудга келтирилди. Хусусан, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва бошқа нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор механизмлари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза этиш ҳамда назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши таъминланди.

Яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилинадиган бўлди.

2012-2015 йилларда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли эса 80 дан ортиқ рухсат бериш жараёнлари, 15 та лицензияланадиган фаолият, 65 турдаги статистика ҳисоботи бекор қилиниб, яна 23 тасини тақдим этиш даврлари сони қисқартирилди. Рухсат бериш муддатлари 2 баробар, бу жараёнларнинг баҳоси 5 баробар камайтирилган ҳолда, ушбу давр оралиғида 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий қилинди.

Пировардида, микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилиши ҳамда бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабридаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 418-сонли Қонунига мувофиқ Солиқ кодексига ҳам муқобил текширувларнинг бекор қилиниши билан боғлиқ таҳрирлар киритилди, ўзгаришлар 2017 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Таъкидлаш керакки, қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат органлари ҳамда маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф қилиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ушбу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишда катта аҳамият касб этди.

Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, салмоқли ҳиссасини ошириш имконини берди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ортгани, мазкур соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Қайд этиш керакки, ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро андозалар талаблари даражасида йўлга қўйиш, истеъмол товарлари бозорини сифатли маҳсулот ҳамда хизматлар билан тўлдириш, қисқача айтганда, иқтисодиётимиз ривожида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган кичик бизнес субъектлари равнақида банк тизимининг алоҳида ўрни бор.

Сўнгги йиллар давомида тадбиркорлик соҳасини кредитлашнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 30 фоизни ташкил этиб, жами 29 баробар, микрокредитлаш эса 56 маротаба ошди. Ўтган йилнинг 11 ойида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 30 фоиз ўсиб, 1,53 трлн. сўмга етди.

Қолаверса, бизнесни юритиш талабларини енгиллаштириш мақсадида банк хизматларини кўрсатиш бўйича соҳа вакилларига бир қатор имтиёзлар берилгани ҳолда, кредитлаш механизми соддалаштирилиб, янада такомиллаштирилди.

**Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар тўғрисида МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Асосий йўналишлар | 2015 йил январь-ноябрь ойларида ажратилган кредитлар | 2016 йил январь-ноябрь ойларида ажратилган кредитлар | ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар | 11 256 679 | 14 746 249 | 131,0 |
| | *Шундан:* | | | |
| 1.1 | Ажратилган микрокредитлар | 2 374 791 | 3 097 228 | 130,0 |
| 1.2 | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга | 260 223 | 340 520 | 130,9 |
| 1.3 | «Микрокредитбанк» томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар | 307 667 | 372 167 | 121,0 |
| 1.4 | Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга | 1 920 551 | 2 510 161 | 130,7 |
| 1.5 | Ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга | 2 116 525 | 2 772 647 | 131,0 |
| 1.6 | Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга | 258 213 | 336 667 | 130,4 |
| 1.7 | Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун | 1 543 727 | 2 269 008 | 147,0 |
| 1.8 | Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга | 1 171 022 | 1 530 527 | 130,7 |

## ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЭЪТИБОР

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши мазкур йўналишдаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Жамғарманинг очилишидан кўзланган асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, мулк эгаларига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, фаолияти экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган субъектларни ташқи бозор конъюнктураси хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

Бугунги кунда жамғарма ишбилармонларнинг хориж бозорларига дадил кириб боришига қулай шарт-шароит яратиш, зарур ҳолларда уларга кўмаклашиш йўлида изчил фаолият юритмоқда. Жамғарма томонидан экспортолди харажатларини молиялаштириш ва хорижий бозорлардаги маҳсулотга бўлган юқори талабдан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиш, экспортбоп товарларни ишлаб чиқариш учун ўз маблағи етарли бўлмаган корхоналарга жамғарманинг таъсисчи бўлиб кириши, маҳсулотнинг дизайнини халқаро стандартларга етказиш мақсадида чет элдан мутахассисларни жалб этиш сингари хизматлар ҳам йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2013-2016 йилларда 4 млрд. 856 млн. АҚШ долларилик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 844 та тадбиркорлик субъекти томонидан 2 млрд. 530 млн. долларлик экспорт амалиёти бажарилгани, 4 341 тадбиркорлик субъектига ўз товар ҳамда хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди.

### Тадбиркорлардан интервьюлар

**Неъмат АБДУЛЛАЕВ,**
**«Умид» кичик корхонаси раҳбари (Бойсун тумани):**

*– Бизнинг тадбиркорлик субъектимиз юртимизда яратилган имкониятдан фойдаланиб ташкил этилган. Аниқроғи, бундан ўн йил аввал иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолган корхона биносини сотиб олиб, унинг негизида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик.*

*Мулкдорлик ҳисси кишини янгидан-янги мақсадлар сари етаклар экан. Ўтган даврда мамлакатимизда хусусий сектор вакилларига давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, ўз фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик. Кўплаб истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Бунинг самараси қисқа даврда қўлга киритган муваффақиятларимизда ўз аксини топмоқда. Хусусан, ҳозир жамоамизда 100 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Дастлаб тижорат банки томонидан ажратилган 300 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағидан фойдаланиб, Хитой давлатидан тўқув ва тикув дастгоҳларини харид қилдик. Шундан сўнг босқичма-босқич модернизациялаш тадбирлари давом эттирилди. Илғор технологиялар ишимизга унум бағишлади. Ўз кучимиз ва меҳнатларимиз билан ойига 25-30 млн. сўмлик тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаб, харидорларга етказиб бераяпмиз.*

*Албатта, энг сўнгги русумдаги ускуналарни бошқариш мутахассислардан катта билим ва маҳорат талаб этади. Қувонарлиси, бу борада ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келаётганимиз йўқ. Масалан, биргина шу йилнинг ўзида Бойсун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардан 10 нафарини жамоамиз сафига қабул қилдик. Улар тажрибали тикувчилардан касб сирларини пухта ўзлаштириб олишди.*

*Бугун мижозларимиз ва буюртмаларимиз сони кўп. Яқинда маҳсулотларимизни экспорт қила бошладик. Улар орасида, айниқса, момиқ сочиқлар ҳамда сурп матосига талаб юқори. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, туманимиз марказида кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш ҳамда газламаларни бўяш цехларини ишга тушириш ниятимиз бор. Бунда бизга кўп йилдан бери ҳақиқий ҳамкор ва таянч бўлаётган банкимизнинг кредит маблағларидан фойдаланиш режаларимиз бор.*

*«Инсон қадр топган жойда азиз», дейдилар. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳам, энг аввало, ана шу устувор мақсад рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун эса Асосий қонунимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.*

**Содиқ СУЮНОВ, «Asia fiber» МЧЖ раҳбари (Самарқанд вилояти):**

*– Корхонамизда полиэстер тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, унга нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам талаб катта. Ўтган йили 20 кишилик жамоамиз билан 4 517 тонна экспортбоп товар ишлаб чиқарилиб, унинг 5,5 млрд. сўмлиги маҳаллий, 1,39 млн. АҚШ долларилик қисми эса хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.*

*Қўлга киритилаётган ушбу муваффақиятлар замирида ТИФ Миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлимининг кўмаги катта бўлди. Корхонамизни ташкил этиш, уни зарур ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозлашда мазкур молия муассасасининг 3,57 млн. АҚШ долларилик узоқ муддатли кредитидан унумли фойдаландик.*

*Айни пайтда хориждан қўшимча технологик линияларни келтириш, иш ўринларини кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Албатта, ушбу саъй-ҳаракатларда ҳам банк бизга энг яқин кўмакчи бўлишига ишонамиз.*

***Мухтор ШОНАЗАРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари.***

# Якунларни чиқариб, истиқбол режаларини тузиш палласи

**Янги йилнинг бошланиши – ўтган йил бўйича якуний хулосалар чиқариш, янги режаларни тузиш, яқин истиқболдаги вазифаларни белгилашнинг айни палласи. Молиявий статистика, аниқ сумма ва рақамлар билан ишловчи банк соҳаси учун кўрсаткичлар, айниқса, муҳим мезон ҳисобланади.**

Мухбиримиз янги йилнинг дастлаб-кунларида **«Асака» акциядорлик-тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси Азиз Эгамбердиев** билан учрашиб, унга бир нечта савол билан мурожаат қилди.

**– Филиалда 2016 йилда амалга оширилган қайси ишларни муваффақиятли ва самарали бўлди дея оласиз?**

– Биласизми, 2016 йил филиал фаолиятини турли жабҳаларда ривожлантириш учун ўта сермаҳсуллиги, самарадорлиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб турди. Бу, айниқса, янги IT-хизматлар ва дастакларни жорий этиш соҳасида намоён бўлди. Биз фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш мақсадида UZINFOCOM компьютер-ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказига мурожаат қилдик, шундан кейин унинг мутахассислари банк фаолиятини янада жонлантириш мақсадида филиалнинг ахборот-коммуникация технологиялари ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини атрофлича ўрганиб чиқишди.

**– Азиз Тўлқинович, 2017 йилда қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?**

– Бизнинг фаолиятимиз, шубҳасиз, минтақада кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик ҳаракатларини тараққий эттиришдан иборатдир. Зеро, вилоятимизда энг кўп ривожланган саноат тармоқлари – нефтни қайта ишлаш, кимё ишлаб чиқариши, тўқимачилик ва ипакчилик, қурилиш материаллари соҳаси ҳисобланади. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳам бизнинг вазифамизга киради. Филиал томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 2016 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 113 200,0 млн. сўм қийматидаги кредитлар берилди. Шундан – 17 300 млн. сўми микрокредитлар улушига тўғри келади, фаолияти борган сайин кенг қулоч ёзиб бораётган тадбиркор аёлларга 16 800,0 млн. сўм йўналтирилди. Коллеж битирувчиларига 2 741,0 млн. сўм, минтақамизда талаб бирмунча юқори бўлган сервис ва хизмат кўрсатиш корхоналарига биз 15 400,0 млн. сўм ажратдик. Бугунги кунда Фарғона вилоятида оилавий тадбиркорлик энг фаол ривожланаётган сегмент ҳисобланади, бу соҳага биз 4360,0 млн. сўм йўналтирдик. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 16 750,0 млн. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилишига эса 49 727,0 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, ёш оилалар учун 12 900,0 млн. сўмлик ипотека кредитлари тақдим этилди. Истеъмол кредитлари секторида ўсиш кузатилиб, 2016 йилда 623,0 млн. сўмлик кредитлар ажратилди, ёшларга тақдим этилган микрокредитлар 1000,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1,3 мартага ошган. Вилоятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилган кредитлар ёрдамида 543 та янги иш ўрни ташкил этилди.

**– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу йўналишда филиал ўз фаолиятида нималарга эътибор қаратади?**

– Ҳа, филиалимиз жамоаси билан бу йўналишда ҳам бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштириб олдик, Масалан, янги йилда биз хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларни фаол тарзда қўллаб-қувватламоқчимиз. Шунингдек, ёшларнинг янги иқтисодий самарадор лойиҳалари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва коллеж битирувчилари бўлмиш навқирон авлод учун иш ўринларини ташкил этишга қаратилган ижтимоий самарага эга бўлган лойиҳаларга молиявий кўмак беришга тайёрмиз.

***Ҳамдам АМИНОВ***
***суҳбатлашди.***

# Ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади

**Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида йилига 2,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга «Максим Голд текс» корхонаси ишга тушди. 250 дан зиёд йигит-қиз учун иш ўринлари яратилган мазкур корхона вилоятда бўш турган ёки қурилиши тугалланмаган объектлар негизида 2016 йилда ўз фаолиятини бошлаган самарали лойиҳалардан биридир.**

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг аҳамияти» мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

2016 йилда қўмита томонидан маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида 786 кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхонага 900 млрд. сўмдан зиёд инвестиция жалб қилиниши уларга «иккинчи» ҳаёт бахш этган. Яна 777 бўш турган давлат объектини ижарага бериш, салоҳиятли инвесторларга сотиш, жумладан, «ноль» харид қийматида берилиши янги қувватлар ишга туширилишига хизмат қилган.

Бундан ташқари, кичик саноат зоналари ҳамда фойдаланишга яроқсиз давлат объектлари ўрнида 305 лойиҳа амалга оширилган.

2016 йилнинг 11 ойида мазкур корхоналар томонидан 28 мингдан зиёд иш ўрни яратилган, 2 трлн. 740 млрд. сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган.

Тадбирда молиявий соғломлаштириш тадбирлари изчил давом эттирилиши қайд этилди. 2017-2018 йилларда ҳудудлардаги кам қувватли, фаолиятсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектларда 4 минг 400 дан зиёд янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Қўмита раисининг ўринбосари А.Ҳимматовнинг таъкидлашича, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

2016 йилда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ, 99 субъектда ер майдонларини оптималлаштириш, ишлатилмаётган қувватларни консервация қилиш, банкдан олинган қарзларни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш сингари соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилган.

Натижада 2015 йилни зарар билан якунлаган ушбу корхоналарда 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 54 млрд. сўмлик фойда кўрилган. Анжуманда бу йўналишдаги ишлар 2017 йилда машинасозлик, электротехника, қурилиш ва оғир саноат, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳалари бўйича давом эттирилиши маълум қилинди.

Матбуот анжуманида журналистлар саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

# Янгиланган намунавий лойиҳадаги уйлар ўз эгаларига топширилди

**Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори асосида барпо этилган дастлабки уй-жойлар фойдаланишга топширилди.**



ЎзА фотосурати

*– Президентимиз қарори асосида қисқа вақт ичида қишлоғимизда шундай кўркам ва замонавий даҳа пайдо бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдик, – дейди **меҳнат фахрийси Маматхон Аббосов.** – Бундай шинам ва арзон уй-жойлар айниқса, ёш оилалар учун жуда қулай бўлиб, оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигига хизмат қилади.*

«Қишлоқ қурилиш банк» Наманган вилояти филиалининг 1 млрд. 800 млн. сўм кредит маблағи эвазига «Гумбаз мадад қурувчи файз» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган икки сотихли, уч хонали 10 уй-жойнинг калити ёш оилаларга топширилди.

*– Тўрт ўғил, бир қизим бор, – дейди **Қўғай қишлоғида яшовчи Иноят Холмирзаева.** – Уч келиним билан бир ҳовлида яшар эдик. Президентимизнинг ёш оилалар учун арзон нархларда уй-жойлар қуриб беришга доир қарори биз каби катта оилалар учун катта имконият яратди. Икки ўғлимга янги қурилган уйлардан олдик. Уларнинг нархи ва тўлов шарти бизга жуда маъқул бўлди. Бундай ғамхўрликлар учун барча оналар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.*

Қишлоқда икки қаватли, тўрт йўлак ва 16 хонадонли уйлар ҳам фойдаланишга топширилди. 2017 йилда Наманган вилоятида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 400 та икки ва уч қаватли уйлар, икки, тўрт ва олти сотихли 3-4 хонали 784 арзон уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

***ЎзА материаллари асосида тайёрланди.***

# Ҳудудларда семинар ва учрашувлар

**«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси янги суғурта маҳсулотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари хусусида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ҳудудларда туркум семинар ва учрашувлар ташкил этмоқда.**

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари, хусусан, экспортёр ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада суғурта ҳимояси муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳат эътиборга олиниб, «Ўзбекинвест» компанияси томонидан тадбиркорлар, ҳунармандлар, якка тартибдаги тадбиркорлар, фермерлар фаолияти ва уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди.



Аввал хабар берганимиздек, компания ушбу йўналишдаги фаолиятини янада кенгайтириб, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулайлик яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида соҳа субъектлари эътиборига янги суғурта маҳсулотларини тақдим этди.

Семинарда «Мева-сабзавот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишни суғурталаш», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қалтисликларини суғурталаш», «Музлатгич камерада сақланаётган мулкни суғурталаш», «Автоташувчиларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш» каби янги суғурта маҳсулотларининг шарт-шароитлари ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

Шунингдек, компания мутахассислари муассасада амалда бўлган бошқа суғурта хизматлари, уларни расмийлаштириш тартиби, суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни қоплаб бериш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан ҳам батафсил ахборот берди.

***Гулшан ЮСУПОВА.***

# Суғуртада сифатни бошқариш устувор

**«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти халқаро сифат стандартининг янги ISO 9001:2015 сертификатига эга бўлди.**

Бугунги кунда сифатни бошқариш масалалари мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотлари учун долзарблик касб этади. Шу боис ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ташкилотларда халқаро стандартларга мос сифатни бошқариш тизимини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан ҳам кўрсатилаётган хизматлар сифатини юксалтириш, иш жараёнини яхшилаш, рақобатбардошликни ошириш ҳамда халқаро молия бозорида ўз мавқеига эга бўлиш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида халқаро сифат стандартининг янги ISO 9001:2015 талқинига ўтиш билан боғлиқ ташкилий ишлар олиб борилди. Натижада «CERT International» халқаро сертификатлаштириш ташкилоти томонидан ўтказилган ташқи кузатув аудити асосида компания муваффақиятли тарзда сифат стандартининг янги ISO 9001:2015 сертификатини қўлга киритди.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзагросуғурта» компаниясида мазкур стандартни олишга асос бўлувчи барча омиллар мавжуддир. Хусусан, муассасада стратегик режалаштириш жараёнидан тортиб, суғурта даъволарини кўриб чиқишгача бўлган барча бизнес жараёнлардаги турли қалтисликлар таъсирини баҳолаш ва камайтириш имконини берувчи тегишли тартиблар ишлаб чиқилган. Компания фаолиятининг барча босқичларидаги қалтисликларни баҳолаш тизими жорий этилиб, ISO 9001:2015 стандарти талабларига мувофиқ ходимларнинг ўқиши ташкил этилган.

ISO 9001:2015 стандарти янги версияси бўйича «Ўзагросуғурта» АЖ сифат менежменти тизимининг сертификатлаштирилиши тақдим этилаётган хизматлар сифатининг компания томонидан ривожлантираётганини, рақобатбардошликнинг стратегик асоси мавжудлигини, республика суғурта бозорида етакчилигини, шунингдек, суғурта фаолияти самарадорлигини ошириш, молиявий, техник ва кадрлар ресурсидан оқилона фойдаланиш ҳамда бошқарув тизимини оптималлаштиришдаги самарали саъй-ҳаракатларини тасдиқлайди.

***Наргиз АҲМЕДОВА.***

# Қонунларнинг ижро таҳлили

**Миллий матбуот марказида «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятининг мажбурий суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатиш кўлами ҳамда соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда дастлаб компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари хусусида сўз борди.

*– Ушбу мажбурий суғурта турлари бўйича кенг кўламли хизмат кўрсатиш учун ички услубий негизлар яратилди, бўлинмалар доираси кенгайтирилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ходимлар малакаси оширилди, – дейди* ***«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ Мажбурий суғурта департаменти бош менежери Дилшод Урунов.*** *– Ўз моддий-техника таъминотига эга бўлган ва соҳада маълум тажриба тўплаган суғурта агентликлари жалб қилинди. Шунингдек, суғуртанинг ушбу турлари бўйича суғурта мукофотларини тез ҳисоблаш ҳамда тузилаётган суғурта шартномаларининг тўғрилигини назоратга олиш мақсадида марказлашган компьютер дастури ишлаб чиқилиб, бўлинма ҳамда шохобчаларга жойлаштирилди.*

Барча кўрилган ташкилий ва амалий чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТВЭФЖМС), иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (ИБФЖМС) ҳамда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТФЖМС) бўйича суғурта бозори иштирокчилари орасида етакчилик қилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ТВЭФЖМС бозоридаги суғурта тушумлари умумий ҳажмида компания улуши 19-20 фоизга тўғри келмоқда. Ушбу суғурта тури жорий этилгандан буён компания томонидан суғурта ҳодисаси натижасида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш учун 13,2 млрд. сўмдан ортиқ суғурта қопламалари тўлаб берилди.



Бугунги кунда суғурта тизимини ҳам бошқа соҳалар қатори замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тизимга энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш ахборот алмашинувининг ягона тизимини шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда суғурта фаолиятида иш жараёнлари самарадорлигини оширишда қўл келади.

Тадбирда «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi»нинг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш департаменти бош менежери Илҳом Каримов ўз тақдимотли чиқишида ана шулар хусусида кенг маълумот берди.

*– Бугунги кунда мижозларимиз 16 турдаги мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматлари бўйича полисларни он-лайн тарзда харид қилиш имконига эга, – дейди И.Каримов. – Компаниямизда шунингдек, автоматлаштиришнинг яна бир босқичи, яъни суғурта хизматларини онлайн тарзда интернет тармоғи орқали тақдим этиш ишлари ниҳоясига етказилди. Унда мижоз ўзининг шахсий виртуал хонасида ўз ҳисоб балансини тўлдирилганлик тарихини кузатиши, суғурта хизматларидан фойдаланиши, суғуртага оид савол бериши, суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида хабар юбориши мумкин.*

Суғурта хизматларини тезкор тақдим этиш, уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида компания томонидан «Kafolat online» АМТда келиб тушаётган барча даъво аризаларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини масофавий тарзда кузатиш, назорат ва мониторинг қилиш имкониятини берувчи янги блок ишга туширилди. Аҳолидан мурожаатлар ноябрь ойидан «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ бошқаруви раисининг виртуал қабулхонаси орқали ҳам қабул қилиниши йўлга қўйилди.

Тадбирда ўтган даврда муассаса бошқаруви ва барча филиалларига Буюк Британиянинг «ISOQAR Ltd.» компанияси томонидан ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик сертификати топширилгани, компаниянинг молиявий ҳолати халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бериши «Grant Thornton International» аудиторлик ташкилоти хулосаларида акс этгани, фаолияти «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан илк бор (2016 йилнинг декабрь ойи бошида) истиқболи «барқарор» бўлган «B+» даражасида баҳолагани «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» ютуқлари сифатида санаб ўтилди.

***Эъзоз КАМОЛОВА.***




## Имтиёз истайсизми – резидентлик сертификатини олинг

**2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Солиқ кодексига (кейинги ўринларда – СК) тузатишлар киритилди.**

Агар халқаро шартномада солиқ қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (СКнинг 4-моддаси).

Амалиётда Ўзбекистонда ва иккиёқлама солиқ солинишининг олдини олиш тўғрисидаги шартнома имзоланган мамлакатда турли солиқ ставкалари шароитида ушбу нормадан фойдаланиш учун қатор ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади. Халқаро шартномага мувофиқ солиқнинг паст ставкасини қўллаш ёки уни тўлашдан озод этилиш учун норезидентларнинг даромадларидан ДСИга ариза топшириш ва талай ҳужжатларни топшириш керак эди.

СКнинг 155-моддасига киритилган ўзгартиришлар солиқ солиш соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларини норезидентларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган барча турдаги даромадларига қўллашни назарда тутади.

Бунда солиқ ставкасини пасайтириш ёки уни тўлашдан озод этиш учун солиқ органларига ариза топшириш талаб этилмайди. Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартномага эга бўлган чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган резидентлик сертификатининг мавжудлиги кифоя.

Резидентлик сертификати юридик шахс — тўлов манбаи резидентида халқаро шартномага мувофиқ солиқ имтиёзи қўлланилишини асослаб берувчи ҳужжат сифатида сақланиши керак.

Бу муҳим! Сертификатнинг асл нусхаси мавжуд бўлиши керак, унинг нусхаси расмий ҳужжат деб ҳисобланмайди.

## Хорижий валютадан фойдаланиш муддати узайтирилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги ПФ–4891-сон Фармони билан Президентнинг 1995 йил 27 январдаги ПФ–1193-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар киритилди.**

Тузатишлар билан мижозларнинг талабномалари бўйича ваколатли банклар томонидан сотиб олинган хорижий валютадан фойдаланиш муддати 7 иш кунидан 15 иш кунигача узайтирилди, шундан кейин у сўзсиз қайта сотилиши керак

Худди шундай ўзгартиришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 декабрдаги 409-сонли қарорига биноан қуйидаги ҳужжатларга киритилди:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;
- Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (2001 йил 10 июлдаги 294-сон ВМҚ билан тасдиқланган).

## Декларация нотўғри бўлса – энг юқори ставкада тўланг

**Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар билан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланганда жавобгарлик чоралари назарда тутилган.**

Қонунчиликда жисмоний шахснинг алоҳида даромадлар бўйича ДСИга жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш мажбурияти кўзда тутилган (СКнинг 189-моддаси). Агар солиқ тўловчи уни тақдим этмаса, солиқ хизмати ўзида мавжуд бўлган маълумотлар асосида энг юқори ставкада солиқ суммасини ҳисоблаши ва тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси ҳақидаги билдиришномани тақдим этишга ҳақли.

2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сон Қонун билан СКнинг 192-моддаси 9-қисми янги таҳрирда қабул қилинди. Энди ушбу чоралар жисмоний шахс нотўғри маълумотларни топширган тақдирда қўлланади (барча даромадларни кўрсатмаса ёки суммасини пасайтириб кўрсатса). Бундай ҳолатларда солиқ органлари ўзида мавжуд бўлган маълумотларга асосан энг юқори ставкани қўллаган ҳолда солиқ суммасини қайта ҳисоблаш ва солиқ тўловчини бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси фақат солиқ тўловчи томонидан аниқлаштирилган декларация топширилганидан кейин пасайтирилиши мумкин.

## Солиқлардан тежалган маблағларни узоқроқ ишлатиш мумкин

**2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Солиқ кодексига (кейинги ўринларда – СК) ўзгартиришлар киритилди.**

Солиқ имтиёзларини тақдим этилишининг кўп учрайдиган шартларидан бири солиқ солишдан бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳисобланади. Шу тариқа, давлат инвестицияларни капиталга – инсон ва моддий-техник капиталга рағбатлантиради.

Амалиётда имтиёзлардан тўлиқ фойдалана олмасликнинг сабаби шундаки, бўшаган маблағлар имтиёзли давр мобайнида тўлиқ ишлатилиши керак. Акс ҳолда улар пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади (СКнинг 30-моддаси 4-қисми).

Масалан, агар имтиёзли солиқ даври 2016 йилда тугаса, солиқлардан тежалган суммадан 2017 йилнинг 1 январигача фойдаланилиши керак. Шу тариқа бирга имтиёзли даврнинг сўнгги чорагида имтиёзлар деярли амал қилмаган, чунки бўшаган маблағларни ҳисоблаш ва йил охиригача улардан фойдаланишнинг имкони йўқ.

Солиқ кодексининг 30-моддасига киритилган қўшимчалар ушбу адолатсизликка барҳам беради. Солиқ тўловчиларга имтиёзли давр мобайнида фойдаланилмаган бўшаган маблағларни имтиёзли давр тугаганидан кейин яна бир йил давомида белгиланган мақсадларга йўналтириш ҳуқуқи берилди. Агар ушбу давр тугаганидан кейин ҳам улардан тўлиқ фойдаланилмаган бўлса, фойдаланилмаган маблағлар қолдиғини бюджетга қайтаришга тўғри келади.

## Пенсия учун барвақт мурожаат этинг

**1993 йил 3 сентябрдаги ЎРҚ-938-XII-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда пенсия тайинланишини сўраб мурожаат этиш муддатлари қисқартирилди.**

Киритилган тузатишларга кўра, пенсия тайинланишининг қуйидаги тартиби белгиланган:

ёшга доир пенсия – агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 60 кун (илгари – уч ой) ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади;

ногиронлик пенсияси – агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб 60 кун (илгари – уч ой) ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронликни белгилаган кундан эътиборан тайинланади.

Бу муҳим! Бошқа барча ҳолатларда пенсия мурожаат этилган кундан бошлаб тайинланади.

Бундан ташқари, пенсионер вафот этиши муносабати билан олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш энди пенсионер вафот этганидан кейин 60 кун (илгари – 6 ой) ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

Тегишли ўзгартиришлар 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли Қонун билан киритилди ва 2017 йил 1 январдан кучга киради.

*«Norma Online» МЧЖ ҳуқуқшунос экспертлари томонидан тайёрланди.*

# Муқобил энергия манбаларини кенгайтириш истиқболлари

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизда биогаз энергетикасини ривожлантириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**




Тадбир 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ ташкил этилиб, унда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада биогаз энергетикасининг жорий ҳолати ва уни янада тараққий эттириш истиқболлари ҳамда бу борада тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон катта ҳажмдаги газ, кўмир захираларига эга, аммо мазкур ресурслар чексиз эмас. Шу боис, ҳукумат ташаббуси остида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар доирасида асосан қуёш, шамол, биомасса каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда республикамиз қишлоқ хўжалигида, айниқса, чорвачилик ва паррандачилик соҳасида ёқилғи-энергияга бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бориши туфайли уларни барқарор равишда энергия билан таъминлаш масаласи долзарб тус олаётгани таъкидланиб, мазкур хўжаликларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ташкил этиш, хусусан, биогаз ишлаб чиқаришни кучайтириш самарали ечимлардан эканлиги таъкидланди.

Маълумки, органик келиб чиқишга эга чиқиндилардан ишлаб чиқариладиган биогаз 50 фоиздан 70 фоизгача метан-ёнувчи газдан иборат газлар аралашмаси ҳисобланиб, озиқ-овқат тайёрлаш, электр ва иссиқлик энергиясини (иссиқ сув ва иситиш) узатишда қўлланилиши мумкин. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 650 минг бош йирик қорамол ва 21 млн. бош паррандага эга 6 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, уларда ҳар йили 6 млн. тоннадан ортиқ органик чиқиндилар ҳосил бўлади.

Республикамиздаги қатор фермер хўжаликлари ҳозирданоқ биочиқиндиларга қайта ишлов бериб, биогаз ва биоўғитлар ишлаб чиқарадиган биогазли қурилмалардан фойдаланмоқда. Ишлаб чиқилаётган биогаз хўжаликларнинг ўз эҳтиёжлари учун сарфланмоқда.

Мазкур соҳанинг ривожланиши фермерлар даромадини сезиларли даражада ошириб, уларни узлуксиз энергия билан таъминлаш имконини беради.

Давра суҳбатида соҳа мутахассислари, бизнес доиралар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда биогаз энергетикаси секторига оид лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг экспертлари иштирок этди.

*Наргиз АҲМЕДОВА.*

# Агросаноатни модернизациялашда лизинг хизматларининг аҳамияти

**Фермер хўжаликлари республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи етакчи куч ҳисобланиб, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш соҳада юқори самарадорликка эришишнинг муҳим омилидир. Бу борада эса лизинг тармоқни техника воситалари билан таъминлашнинг энг қулай ва самарали механизмидир.**



«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси мазкур хизмат турини кўрсатишга ихтисослашган муассасалардан бири сифатида бугунги кунда юртимиздаги фермер хўжаликлари, машина-трактор ва муқобил машина-трактор парклари, «Агротехсервис»лар, «Ўздонмаҳсулот» компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарга лизинг асосида техника воситаларини етказиб бермоқда.

Техникаларни лизингга олишда хўжалик субъектлари учун қатор имтиёзларнинг мавжудлиги, жумладан, лизинг муддатининг 7 йилдан 10 йилгача экани, техника қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланиши ва лизинг даромади йиллик фоизининг банк молиялаштириш ставкаси эллик фоизидан ошмаслиги, шунингдек, лизинг хизматларининг консалтинг хизматлари билан уйғунликда олиб борилиши компания хизматларига бўлган талабнинг йил сайин ошишига туртки бўлмоқда.

**2016 йилнинг 11 ойи давомида республикамиз қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 1 733,3 млрд. сўмлик 58 537 дона, шу жумладан, 1184 дона ғалла ўриш комбайни, 22 184 дона чопиқ ва 3696 дона ҳайдов трактори ҳамда 31 473 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида етказиб берди.**

Хусусан, компания 2001-2015 йиллар ва 2016 йилнинг 11 ойи давомида республикамиз қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 1733,3 млрд. сўмлик 58537 дона, шу жумладан, 1184 дона ғалла ўриш комбайни, 22184 дона чопиқ ва 3696 дона ҳайдов трактори ҳамда 31473 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида етказиб берди.

Фермер хўжаликлари кўпроқ пахта териш машиналари (65 дона), TTZ-100НС русумли янги турдаги чопиқ (199 дона) ва ҳайдов тракторлари (280 дона), Dominator-130 русумли ғалла ўриш комбайнлари (220 дона), шунингдек, чигит экиш сеялкалари, культиваторлар, ўт ўриш-майдалаш агрегатлари, пуркагич, омочлар каби қишлоқ хўжалик техникаларига катта қизиқиш билдирди.

Бундан ташқари, Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан республикамиздаги техника воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва хориждаги йирик компаниялар билан ҳамкорликда фермерларимиз учун зарур бўлган, қолаверса, илгари юртимизда ишлаб чиқарилмаган 10 дан ортиқ янги турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқариш ва уларни лизинг асосида етказиб беришни йўлга қўйиш юзасидан ҳам ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Жанубий Кореянинг «ЛС-Мтрон» компанияси билан ҳамкорликда «Агромаш саноат инвест» корхонаси ишлаб чиқараётган «TTZ-100НС» русумли чопиқ, «LS-1004» ва «LS PLUS» русумли ҳайдов тракторлари, «Агрегат-Агротех» корхонаси эса Франциянинг «КЮН» фирмаси билан ҳамкорликда тайёрлаётган «GMD-280 HD» русумли дискли ем-хашак ўриш ва «Easyspread» русумли органик ўғит сочиш агрегатлари, «Planter 3M» русумли дон экиш техникалари ҳамда «MC-90S Twin» русумли макка ўриш комбайнини шулар жумласига киритиш мумкин. Германиянинг «ЛЕМКЕН» фирмаси билан ҳамкорликда эса «Лемкен-Чирчиқ» қўшма корхонаси тайёрлаётган «Evropal» русумли 2, 3, 4 ва 5 корпусли омочлар, «Saphir» русумли механик дон экиш сеялкаси, «Rubin 9/300» русумли дискли борона ва «Karat 9/300» русумли тупроққа интенсив ишлов бериш культиваторлари ҳам янги техника воситалари ҳисобланади.

Бундан ташқари, республикамизда ушбу компания кўмагида интенсив боғлар орасига ишлов берувчи «G38», «ТТ-40» ва «U 62» русумли мини-тракторлар, «VP-1M» ва «ОРПД-12М» русумли кимёвий пуркаш агрегатларини ҳам лизинг асосида етказиб бериш йўлга қўйилган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари учун эса, «ЎзКЛААСагро», «ЎзКЕЙСтрактор» ва «ЎзКЕЙСмаш» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган «JAGUAR-850» русумли ем-хашак ўриш ва «FP-230» русумли озуқа ўриш комбайнлари ҳамда «M150» русумли миксер-озуқа тарқатиш агрегатларининг лизинг асосида берилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида юқоридагилар хусусида сўз юритилиб, лизинг хизматининг афзаллик ва қулайликлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумотлар берилди.

*Ширин БАЙСЕНОВА.*

# ПУЛНИ ҚАЙСИ ДАВЛАТДА ҚАНДАЙ САРФЛАШАДИ?

**Дунёнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган кишилар пулни турлича сарфлайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, энг тежамкор миллат японияликлар. Табиий офатлардан хавфсирашга, шунингдек, жамғаришга одатланган японияликларнинг аксарияти ҳар ойда ўз маошларининг 25 фоизини олиб қўяди, европаликларда эса бу кўрсаткич кўпи билан 15 фоизни ташкил этмоқда.**

## ШВЕЦИЯ

### РЕКЛАМАГА ИШОНИШМАЙДИ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР СОВҒА ҚИЛИШАДИ.



Бу мамлакат аҳолиси Европадаги энг катта фоизда, яъни даромадларининг 58 фоизини солиқ сифатида тўлайди. Шу боис бу давлатда истаган ҳам, истамаган ҳам тежашга мажбур бўлишади. Фуқаролар ўрта ҳисобда бир ойлик даромадининг 40 фоизини кун кечириш ва бу давлатда энг қиммат восита электр энергиясидан фойдаланиш мақсадида сарфласа, 20 фоизини сувга, 25 фоизини суғуртага, яна 15 фоизини эса телефон, интернет ва телевидение хизматлари учун йўналтиради.

Швецияликлар чегирмалар эълон қилинган вақтда кўплаб буюм ва нарсаларни харид қилишни сарф-харажатларни тежаш, деб ҳисоблайди. Бироқ бундан аввал улар қайси маҳсулот синовлардан яхши ўтганлигига оид маълумотни махсус веб-саҳифалар орқали кузатиб боришади.

Шведлар пулни, масалан, болалар учун жамғариш ва йиғишга ҳаракат қилади. Айрим ота-оналар 16 ёшгача бўлган болалар учун тўланадиган (100 евро) нафақа пулининг барчасини ёки муайян қисмини боланинг ҳисобварағига ўтказишга одатланган. Шунингдек, фарзандининг таваллуд айёмида унга инвестициявий жамғарма сертификатларини совға қилувчи ота-оналар ҳам учраб туради. Улар у қадар қиммат турмаса-да, вақт ўтиши билан уларнинг қиймати ортиб боради. 35-40 ёшлардаги швецияликлар даромадларининг бир қисмини расман ажратиладиган пенсия пулларига қўшимча равишда тўланишига хизмат қилувчи сармоя тўплашни бошлаб юборади.

## ЯПОНИЯ

### 25 ФОИЗЛИК ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ



Японияликлар – пул тўплашга ўч халқлардан бири саналади. Уларнинг фикрига кўра, инсонда доимо «қора кун», масалан, бу давлатда тез-тез содир бўлувчи табиий офатлар оқибатини бартараф қилиш учун қўшимча маблағ бўлиши керак. Ўрта ҳисобда японияликлар ҳар ойда ўз даромадларининг 20-25 фоизини сақлаб қўйишади. Банкка қўйилган омонат маблағларидан ташқари улар суғурта жамғармаларига пул йўналтиришга одатланган. Айнан шу боис оила бюджетидаги харажатлар қисмида уй-жой учун тўланадиган кредитлардан кейинги ўринда суғурта тўлови туради. Айтганча, қизиғи шундаки, одатда Европадаги оилалар оила бюджетини биргаликда режалаштириб, муҳокама қиладиган бўлса, Японияда бу борадаги ҳолат бироз ўзгача. Яъни оилада эркак киши пул топади, уни сарфлаш, тақсимлашни эса аёллар ҳал қилади. Мисол учун, эркакларнинг кундалик харажатлари миқдорини аёллар белгилайди. Пулни тўғри тақсимлаш учун жорий харажат ва даромадларни акс эттириш (ҳатто тўлов чекларини ёпиштириш учун ҳам) мақсадида махсус дафтарлар ҳам тутилади.

## БРИТАНИЯ

### ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЎЙИНИ



Британияликлар ўз бюджетларини бир йил аввалданоқ режалаштиришни маъқул кўради. Уларнинг аксарияти ўз маошларининг тахминан 10 фоизини жамғариб қўйишга ҳаракат қилади. Пулларининг бир қисмини депозитлар кўринишида, яна қолган қисмини premium bond, яъни «ютуқли қимматли қоғозлар» – фоиз маблағи ютуқли жамғармага тўпланадиган ва ҳар ойнинг муайян кунида мазкур қимматли қоғозлар эгалари ўртасида лотерея давлатнинг қимматли қоғозлари учун сарфлашади.

Бироқ хусусий мулкнинг нархи ҳатто кичик шаҳарларда ҳам қимматлиги боис ижара ва кредит тўловлари ҳамда коммунал хизматлар учун тўланадиган харажатлар даромаднинг катта қисмини ташкил этади. Қолаверса, бу давлатда деярли барча турдаги маҳсулотларни кредитга олиш имкониятининг мавжудлиги туфайли инсонлар ҳар ойда кредит фоизларни тўлаш билан банд бўлади. Айримларнинг даромадларини тўғри тақсимлай олмаганликларидан фойдаланган қарзларни гаров тариқасида сотиб олувчи компанияларнинг «ошиғи олчи» бўлиб бораяпти.

## ГЕРМАНИЯ

### ТЎЛОВ ЧЕКЛАРИ «КОЛЛЕКЦИЯ»СИ



Яқинда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бу мамлакат аҳолиси европаликлар орасида энг тежамкорларидир. Улар ўрта ҳисобда ойига 180 евро миқдорида, яъни даромадларининг тахминан 10 фоизини жамғариб боришади. Биринчи навбатда, улар фарзандларининг келажаги ва пенсия жамғармаси учун маблағ тўплайди. Айни пайтда германияликлар ўз жамғармаларини нафақат банклардаги ҳисоб рақамларида, балки қимматли қоғозлар шаклида ҳам сақлашади. Албатта, харажатлардан орттириб ортиқча маблағни тўплашга осонликча эришилмайди. Бунинг учун улар ўз бюджетларини синчковлик билан режалаштиради. Пулларнинг аксар қисми уй-жой ижараси ёки кредит фоизини тўлаш учун сарфланади (бу мақсадларга даромаднинг 50 фоизигача бўлган маблағ сарфланиши кузатилган). Кейинги поғонани коммунал ва суғурта хизматлари учун тўловлар эгаллайди ва қолганини жорий харажатлар учун йўналтиришади. Масалан, оилада харажатлар қуйидагича бўлади: бир ойда тахминан 700 евро уй-жой учун, коммунал хизматлар учун 230 евро, суғурта хизмати учун тахминан 200 евро, озиқ-овқат учун 600 евро миқдоридаги маблағлар сарфланади. Даромадларнинг катта бўлмаган қисми автомобилга сарфланадиган харажатлар учун кетади. Мисол учун, автомобиль кредит фоизини қоплаш учун ойига тахминан 250 евро, ёқилғи ва жорий таъмирлаш ишларига 200 евро миқдорида пул тўланади.

Германияликлар энг кам маблағни кийим-кечакка сарфлайди. Кўпчилик махсус чегирмалар эълон қилинишини интиқлик билан кутади, сабаби бу пайтда кийимларни ҳатто 70 фоиз арзон нархларда харид қилиш имконияти мавжуд бўлади. Кийимлар эскириб, эгасига кераксиз бўлиб қолган вақтда уларни турли хил хайрия ташкилотларига совға қилишга одатланишган. Бироқ германияликлар ҳеч қачон маблағ тежамайдиган бир харажат бор, у ҳам бўлса таътил вақтида бориладиган саёҳат ҳисобланади.

## ФРАНЦИЯ

### ЧЕГИРМАЛАР ИШҚИБОЗЛАРИ



Францияликлар ҳам ишлаб топилган ҳар бир сўмнинг қадрига етадиган халқ вакилларидир. Катта қийматли харидга тайёргарлик кўриш жараёнида улар ушбу маҳсулотга оид турли хил маълумотлар билан қизиқади, бозорни таҳлил қилади ва ҳатто бир неча таъминотчи ва сотувчилардан нархларга оид маълумотларни тўплайди. Чегирмалар даврини улар «катта фойда» келтирувчи вақт сифатида қадрлайди. Сабаби бундай пайтларда маҳсулотларнинг нархи 80 фоизгача арзонлаштирилади. Французлар бу жараёнга анча илгари вақтдан бошлаб тайёргарлик кўради: дўконлардан мунтазам равишда «хабар олиб туришади». Чегирмалар эълон қилиниши даврида айримлари ҳатто иш жойларидан таътилга ҳам чиқади. Бир сўз билан айтганда, у ёки бу усулларда тежалган маблағни жамғариб боришади. Бу эса ўрта ҳисобда даромаднинг 10-15 фоизини ташкил этади.

Францияликлар маблағни иқтисод қилмайдиган бир харажат бор. У ҳам бўлса, таом, егулик учун сарфланадиган харажатдир. Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга кўра, мазкур мамлакат аҳолиси йиллик даромадининг 25 фоизини озиқ-овқатга, 20 фоизини уй-жой, 18 фоизини транспорт, 9 фоизини кийим-кечакка, 5 фоизини соғлиқни сақлаш ва кўнгилочар мақсадларга йўналтиради.

## АҚШ

### КРЕДИТЛАРНИ МАЪҚУЛ КЎРУВЧИ ФУҚАРОЛАР МАСКАНИ

Америкаликларнинг онг-шуурига болалигиданоқ ҳисоб-китоб ишларида, шу жумладан, молиявий масалаларни ҳал қилишда инсон фақатгина ўзига таяниши лозимлиги сингдирилади. Шу боис АҚШ фуқаролари вояга етиш асносида ҳар бир нарсага пул жамғаришга, наф келтирадиган бирор-бир тармоққа маблағни йўналтиришга одатланади. Аксарият америкаликлар пенсия даврида сарфлаш мақсадида пул йиғиб боради. Яъни ижтимоий таъминот жамғармасига йўналтириладиган бадал тўловларидан ташқари улар нодавлат пенсия жамғармаларига ҳам пулларини жойлаб боради. Улар фарзандларининг таълимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Оилада фарзанд дунёга келиши ҳамоноқ улар махсус ҳисоб рақамини очади ва унда таълим учун маблағни тўплай бошлашади.

Шу билан бирга, америкаликлар кўчмас мулкни харид қилишга интилади, сабаби улар бу билан яхши сармояни қўлга киритиш мумкин, деган фикрни илгари суради. Бироқ бу мақсадда кредит маблағига эга бўлишдан олдин мукаммал кредит тарихига эга бўлиш талаб этилади. Айнан шу боис кўпчилик инсонлар катта бўлмаган қимматли маҳсулотни кредитга олиб, белгиланган фурсатларда кредит маблағини қоплаш орқали мукаммал кредит тарихини «яратиб» олишга ҳаракат қилади.

Америкаликларнинг ҳар ойда сарфлайдиган жорий харажатларининг ўртача ҳажми ҳақида сўз юритилганида, уларнинг ҳажми кам бўлмаслигини ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Энг катта миқдордаги харажат уй-жой ижараси учун ўрта ҳисобда 600-1000 АҚШ долларини ташкил қилади. Иккинчи ўринда тиббий суғурта (300-1000 АҚШ доллари), автомобиль учун суғурта тўлови (100 АҚШ доллари) туради. Озиқ-овқат учун 400-500, коммунал хизматлар учун 150-250 АҚШ доллари атрофидаги маблағ сарфланади. Америкаликлар кийим-кечак учун кўп маблағ сарфлашга одатланмаган.

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан интернет материаллари асосида тайёрланди.*

# 2016 йил 11 ойи давомида «Тошкент» РФБда биржа савдолари шарҳи

2016 йил 11 ойи якуни ҳолатига кўра, «Тошкент» республика фонд биржасида тузилган биржавий битимлар ҳажми 224,2 млрд. сўмга етди. Бу эса биржа фаолияти тарихида эришилган энг юқори даражадаги натижа ҳисобланиши баробарида 2015 йилнинг мос даврига (2015 йил 11 ойида 128,3 млрд. сўм эди) нисбатан 1,7 баробар зиёд, ҳатто 2011 йилдаги рекорд ҳажм (213,1 млрд. сўм)дан 11 млрд. сўм кўп кўрсаткични ташкил этганини англатади.

Биржада тузилган битимлар сони ҳам сезиларли даражада ортди. Хусусан, ҳисобот даврида уларнинг сони 2 728 донани ташкил этиб, 2015 йилнинг шу даврига нисбатан (2 362 та) 1,2 баробар зиёд кўрсаткичга эришилди.




Ҳисобот даврида 125 та акциядорлик жамиятига тегишли жами 591,1 млн. дона қимматли қоғозлар сотилди.

Қимматли қоғозлар биржа айланмаси таркиби халқ хўжалигининг асосий тармоқлари кесимида таҳлил қилинганида қуйидаги кўрсаткичга тўхталиш зарур:

– Иқтисодиётнинг молиявий тармоғидаги корхоналарнинг, биржавий айланмадаги улуши 51,2 фоиз ёки 114,7 млрд. сўмга, шу жумладан, банкларнинг улуши 50,1 фоиз ёки 112,2 млрд. сўмга етди. 2015 йилнинг мос даврида молиявий тармоқнинг улуши 86,0 фоиз, яъни 110,3 млрд. сўмга тўғри келган эди;

– Агросаноат мажмуаси улуши эса 6,6 фоиз ёки 14,8 млрд. сўмга тенг бўлди (2015 йил 11 ойида 9,1 фоиз ёки 11,6 млрд. сўм эди);

– Саноат тармоғининг биржа айланмасидаги улуши 18,0 фоиз ёки 40,3 млрд. сўмни ташкил этди (2015 йил 11 ойида 0,4 фоиз ёки 0,5 млрд. сўм эди);

– Қурилиш соҳасидаги корхоналар улуши эса 0,9 фоиз ёки 2,1 млрд. сўмга етди (2015 йил 11 ойида 2,4 фоиз ёки 3,0 млрд. сўм эди).

**Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби,** 2016 йилнинг январь-ноябрь ойларида



- Банклар **50,1 фоиз**
- Лизинг **0,2 фоиз**
- Саноат **18,0 фоиз**
- Бошқалар **12,7 фоиз**
- Ижтимоий соҳа **2,3 фоиз**
- Суғурта **0,9 фоиз**
- Қурилиш **0,9 фоиз**
- Транспорт **8,3 фоиз**
- Агросаноат мажмуаси **5,3 фоиз**

Биржада инвесторлар категориялари бўйича кўрсаткичлар ҳақида сўз юритилганида юридик шахсларга тегишли инвестициялар биржа айланмасининг асосий қисмини, яъни 178,9 млрд. сўм ёки биржа айланмаси умумий ҳажмининг 79,8 фоизини ташкил қилганини таъкидлаш лозим. Улардан 45,3 фоизи ёки 81,0 млрд. сўми хорижий инвесторлар улуши ҳисобланади.

Ҳисобот даврида жисмоний шахсларнинг инвестициявий фаоллиги ортгани қайд этилди. Чунончи, уларнинг биржа айланмасидаги улуши 20,2 фоиз ёки 45,3 млрд. сўмга тўғри келди (2015 йил 11 ойида жисмоний шахс инвесторлар улуши 19,8 фоиз ёки 25,3 млрд. сўмга тенг эди).

Қимматли қоғозлар савдоларида иштирок этган инвесторлар тури бўйича биржа бозори тузилмаси 2016 йил 11 ойида қуйидагича бўлди:

**Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби,**
2016 йилнинг январь-ноябрь ойларида



- Банклар **1,8 фоиз**
- Лизинг **3,6 фоиз**
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик **17,7 фоиз**
- Қўшма корхоналар **1,4 фоиз**
- Суғурта компаниялари **3,6 фоиз**
- Жисмоний шахслар (жумладан, чет эл фуқаролари 5,1 фоиз) **20,2 фоиз**
- Бошқа юридик шахслар **15,6 фоиз**
- Хорижий инвесторлар **36,1 фоиз**

«Тошкент» республика фонд биржасининг истиқболдаги муҳим вазифалари қимматли қоғозлар бозорида юридик шахслар ва аҳолининг иштирокини янада кенгайтириш ва инвесторларнинг фонд бозоридаги воситаларга нисбатан ишончини янада оширишга эришишдан иборат.

### «ТОШКЕНТ» РФБ БИРЖАВИЙ КОТИРОВКА РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН КОМПАНИЯЛАР ШАРҲИ

Биржанинг асосий мақсадларидан бири биржавий котировка рўйхатига республиканинг нисбатан молиявий барқарор ва ликвидлилик даражаси юқори акциядорлик жамиятларини жалб этиш ҳисобланади.

2016 йил аввалида биржавий котировка рўйхатидан 261 та компания ўрин эгаллаган эди, айни пайтда йил давомида рўйхатга яна 85 та компания киритилиб, 68 та компания рўйхатдан чиқарилди. Натижада 2016 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра, биржавий котировка рўйхатида 278 та акциядорлик жамиятлари ўрин олди (2015 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра, мазкур кўрсаткич 220 та АЖни ташкил этган эди).

Биржавий котировка рўйхатида мавжуд категориялар таҳлил қилинганида «А» категорияси талабларига жавоб берувчи акциядорлик жамиятлари сони 24 тага етгани аниқланди. 29 та акциядорлик жамиятлари эса «В», 190 таси «С» ва 35 таси «Р» категориялари талабларига жавоб бериши маълум бўлди.

Шундай қилиб, энг кўп акциядорлик жамиятлари «С» категорияси талабларига жавоб беради, яъни эмитентнинг устав жамғармаси қиймати (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган айирбошлаш курси бўйича) давлат рўйхатидан ўтган вақтда 400 минг АҚШ долларидан ортган ва сўнгги икки молиявий йилда эмитент фаолиятида ижобий натижаларга эришилган.

Листинг компаниялари таркибидан тижорат банклари, суғурта компаниялари, нефть ва газ саноати корхоналари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, агросаноат мажмуалари, энергетика, металлсозлик ва бошқа соҳа корхоналари ўрин эгаллади.

**«Тошкент» РФБ биржа айланмасидаги кўрсаткичлар таҳлили**

| Кўрсаткичлар | 2015 йил 11 ойида. | 2016 йил 11 ойида | ўзгариш (+ ўсиш, - камайиш), фоизда |
|---|---|---|---|
| Қимматли қоғозлари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони | . 74 | 125 | +68,9 |
| Битимлар сони, донада | 2362 | 2728 | +15,5 |
| Қимматли қоғозлар сони, млн. донада | 339,7 | 591,1 | +74,0 |
| Битимлар ҳажми, млрд. сўмда | 128,3 | 224,2 | +74,7 |

**Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги**

| Эмитент номланиши | Тармоқ | Ҳажми, млрд. сўмда |
|---|---|---|
| «Ipoteka-bank» АТИБ | Банк | 27,4 |
| «InFinBank» АТБ | Банк | 25,5 |
| «HI-TECH BANK» ХАТБ | Банк | 18,8 |
| «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 13,6 |
| «Asia Alliance Bank» АТБ | Банк | 13,1 |
| «O'zkimyopolimersavdo» | Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар | 11,1 |
| «Savdogarbank» | Банк | 9,9 |
| «SHIFOBAXSH BULOQ» | Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар | 7,2 |
| «O'zparavtotrans» | «Ўзгеобурғунефтгаз» | 6,5 |
| «To'ytepa metall qurilmalari» | «Ўзбекнефтгаз» МХК | 5,8 |

**Биржа котировка рўйхатига киритилган компанияларнинг тармоқлар бўйича таркиби,**
2016 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра

| № | Тармоқ | АЖлар сони | АЖлар улуши |
|---|---|---|---|
| 1 | «Ўзбекнефтгаз» МХК | 41 | 13,90 фоиз |
| 2 | «Ўзпахтасаноат» АЖ | 34 | 11,53 фоиз |
| 3 | Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик ҳисобидаги корхоналар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар | 30 | 10,17 фоиз |
| 4 | «Ўздонмаҳсулот» АК | 26 | 8,81 фоиз |
| 5 | Банклар | 21 | 7,12 фоиз |
| 6 | «Ўзкимёсаноат» АК | 15 | 5,08 фоиз |
| 7 | «Ўзбекэнерго» АК | 14 | 4,75 фоиз |
| 8 | «Ўзпахтаёғ» АЖ | 14 | 4,75 фоиз |
| 9 | Ҳудудий давлат бошқаруви органлари томонидан таъсис этилган юридик шахслар | 10 | 3,39 фоиз |
| 10 | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ | 9 | 3,05 фоиз |
| 11 | «Ўзқурилишматериаллари» АК | 8 | 2,71 фоиз |
| 12 | «Дори-дармон» АК | 7 | 2,37 фоиз |
| 13 | «Ўзэлтехсаноат» АК | 7 | 2,37 фоиз |
| 14 | «Агромашсервис» уюшмаси | 6 | 2,03 фоиз |
| 15 | «Ўзвиносаноат-холдинг» | 5 | 1,69 фоиз |
| 16 | «Ўзспиртсаноат» АЖ | 5 | 1,69 фоиз |
| 17 | «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси | 4 | 1,36 фоиз |
| 18 | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | 3 | 1,02 фоиз |
| 19 | «Ўзавтосаноат» АК | 5 | 1,02 фоиз |
| 20 | ТИАИСВ | 2 | 0,68 фоиз |
| 21 | Давлат суғурта компаниялари | 2 | 0,68 фоиз |
| 22 | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги | 1 | 0,34 фоиз |
| 23 | «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК | 1 | 0,34 фоиз |
| 24 | «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик-лизинг компанияси | 1 | 0,34 фоиз |
| 25 | «Ўзметкомбинат» АЖ | 1 | 0,34 фоиз |
| 26 | «Олмалиқ ТМК» АЖ | 1 | 0,34 фоиз |
| 27 | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | 1 | 0,34 фоиз |
| 28 | «Шарқ» НМАК | 1 | 0,34 фоиз |
| 29 | Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси | 1 | 0,34 фоиз |
| 30 | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги | 1 | 0,34 фоиз |
| 31 | «Ўзагросаноатмашхолдинг» ХК | 1 | 0,34 фоиз |
|  | **Жами** | **278** |  |

***Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» республика фонд биржаси (www.uzse.uz) материаллари асосида тайёрланди.***

# Йилнинг энг яхши аудитори ва бухгалтери

**Пойтахтимизда Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторлари куни касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда 2016 йилнинг «Энг яхши аудитори», «Энг яхши бухгалтери», «Энг яхши ички аудитори» республика танловларининг ғолиблари аниқланди.**

Танловлар ҳар йили анъанавий равишда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўмаги ҳамда қатор мутасадди ташкилотларнинг қўллаб-қувватлови остида ўтказиб келинади. Хусусан, жорий йилда тадбир ҳомийлари қаторида «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки муносиб ўрин тутди.

*– Мамлакатимизда аудит бозорини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этиш, халқаро бухгалтерия ва молиявий ҳисоб-китоблар тизими бўйича ишлаш, шунингдек, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини рағбатлантириш борасида алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди **Ўзбекистон бухгалтерлари федерацияси бошқаруви раиси Нозир Ибрагимов.** – Жумладан, мазкур танлов ҳам ҳар йили декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида халқаро миқёсда нишонланадиган бухгалтерлар куни муносабати билан бухгалтер ва аудиторлик касбларининг нуфузини ошириш, ижтимоий аҳамиятини кучайтириш ҳамда янада ривожлантириш мақсадида ўтказиб келинади. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати олти йилдирки, у профессионаллар учун учрашув ва мулоқот майдонига айланган.*

Бу йил танловларни ўтказишга Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси раислик қилди. Унинг биринчи турида Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қарши, Нукус, Урганч, Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимиздан 109 нафар иштирокчи (шундан 74 нафари аудитор, 30 нафари бухгалтер ва 5 нафари ички аудиторлар) қатнашган бўлса, якуний босқичида жами 67 нафар аудитор, бухгалтер ва ички аудитор ўзаро беллашди.

Танлов республика босқичининг мутлақ ғолиблари сифатида эса «WENZHOU JINSHENG TRADE CO., LTD» компанияси ваколатхонасининг бухгалтери – молиявий маслаҳатчиси Анвар Рўзмаматов «Энг яхши бухгалтер», «PricewaterhouseCoopers» аудиторлик ташкилотининг аудитори Шохруҳ Бўтаев «Энг яхши аудитор» ҳамда «PKF MAK ALYANS» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг Сирдарё филиали директори Алишер Юсупов «Энг яхши ички аудитор» деб топилиб, улар ташкилий қўмитанинг I даражали дипломи ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Шунингдек, танлов шартларига кўра, унда иккинчи ва учинчи ўрин ғолиблари ҳам аниқланиб, уларга II ва III даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда маҳаллий ва хорижий аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва малакали мутахассислари иштирок этди.

***Наргиз АҲМЕДОВА.***

# Меҳнат ярмаркаси

**Наманган вилоятининг Поп тумани Чодак қишлоғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**




Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, меҳнат ва ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда нафақат Наманган вилояти, балки Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларидан ҳам 230 га яқин иш берувчи субъект 600 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

*– Ярмаркада чодакликларга жами 1 минг 300 дан ортиқ бўш иш ўрни таклиф этилди, – дейди **Наманган вилояти меҳнат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Пўлатов.** – Бу қишлоқ аҳлига ўз мутахассислиги, қизиқиш ва қобилиятига мос иш танлашлари учун кенг имконият демакдир.*

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан қишлоқ аҳолиси, битирувчи ёшлар, бошловчи тадбиркорларга мўлжалланган турли имтиёзли кредитлар таклиф қилинди. Жумладан, 10 нафар фуқарога паррандачилик йўналиши бўйича 290 млн. сўм кредит молиялаштириб берилди.

*– Банкимиз томонидан қишлоқ аҳолиси ва битирувчи ёшлар учун чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишларида имтиёзли, 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга йиллик 9 фоизли кредитлар таклиф этилмоқда, – дейди **«Асака» банкнинг Наманган вилояти филиали кичик бизнес бўлими бошлиғи А.Тожибоев.** – 2016 йилда битирувчи ёшларнинг бизнес лойиҳалари 900 млн. сўмга яқин кредит билан молиялаштирилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткични 1 млрд. 100 млн. сўмдан ошириш кўзда тутилган.*

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ярмарка доирасида ташкил этилган кўргазмада оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, уй бекалари ва битирувчи ёшларни иш билан таъминлашнинг техник ва технологик воситалари намойиш қилинди.

Меҳнат ярмаркаси доирасида аҳоли билан бўлиб ўтган мулоқотда Чодак қишлоғини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида махсус дастур асосида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Жумладан, тижорат банкларининг 25,6 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағи ҳисобидан саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат йўналишларида 1 минг 200 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бу 4 мингдан зиёд фуқаронинг бандлигини таъминлаш имконини беради.

# Маҳоратли ҳунарманд

**Нукуслик ҳунарманд Алима Раметуллаева қорақалпоқ каштачилик анъаналарини давом эттириб, миллий либослар, қуроқ буюмлар тикиш билан шуғулланади. Нақшинкор безакли тикув ишлари билан кўплаб танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этган.**


*ЎзА фотосурати*

Ҳунарманд тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, тикув цехи фаолиятини йўлга қўйган. Айни пайтда уч нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилаётган цехда миллий ва замонавий услубдаги либослар тайёрланмоқда.

*ЎзА материаллари асосида.*

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*
*«Norma Hamkor» МЧЖ*
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР
*А.Н. НАЗАРОВ*
Нашр учун масъул
*А.С. АСРОРОВ*
ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
ДИРЕКТОР
*Р.Л. ВАЛИЕВ*
Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА
ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:
100084, Тошкент ш.,
Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz
Реклама ва эълонлар учун
234-43-18
телефони орқали мурожаат қилинг.
Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан **2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.*
*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*
Буюртма № 762.
Адади 8834 нусха.
*Нархи шартнома асосида.*
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 4.01.2017 й., 9.00.

«TOPRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй.